

# Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

№ OG/043- сонли шартнома

Зангиота тумани

« 22 » июнь 2022 йил

«Зангиота тумани Ободонлаштириш бошкармаси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори **Ш.А.Раззоков** бир томондан «OPTIMAL ARCHITECT GROUP» МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар **Э.Б.Чориев** иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Зангиота тумани Ободонлаштириш бошкармаси баённомасига асосан бажарувчи «Зангиота туманида Урикзор МФЙда Узбекистон Шох кучасида пиёдалар йулакларини куришга смета ва экспертиза ҳужжатларини тайёрлаш учун» объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4 Шартнома лойиҳа ва лойиҳа-кидирув ишларни ишлаб чиқишга, лойиҳа ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказиш ва техник шартларни (АПЗ – Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Қурилиш қўмитасининг 2017-йил 20-сентябрдаги №8688/3302-сонли хатига асосан зарур ҳолларда) тайёрлаш билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.5. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

## 3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.



3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунда ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

**3.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14- ноябрдаги ПФ-5577-сон фармониغا асосан объектни куришнинг барча босқичларида муаллифлик назорати мажбурийдир ва Лойиҳачи шартнома қиймати доирасида муаллифлик назорати олиб бориш шарт.**

#### **4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ**

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиғи билан **4 000 000 (турт миллион) сўми** ташкил этади.

4.2. Мазкур объект бўйича тўлов инвестиция дастури ва қайси маблағлар ҳисобидан аниқланиб ва шу бюджет ҳисоб рақами очилгандан кейин, объектнинг ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлартомонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорига бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун курилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди,



бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

#### Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. Коррупцияга қарши келишув

7.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

7.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 5 иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

7.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

7.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.



## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

Зангиота тумани Ободонлаштириш  
бошкармаси Манзил: Эшонгузар МФЙ  
Ижодкорлар кучаси 7 уй  
тел. 71/975-26-73 90/994-23-06  
Х/р: 301821860272378065200110004  
ИНН 200576813 ОКОНХ  
Зангиота тумани Ғазначилик булинмаси  
Х/р: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент шаҳри  
МФО 00014 ИНН 201122919

Раҳбари

Ш.А.Раззоков



### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«OPTIMAL ARCHITECT GROUP» МЧЖ  
Манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой туман,  
Қушбеги даҳаси, 23-уй, 49-хонадон.  
Тел: +998 939 93 00 00  
Х/р : 20208000105284571001  
Банк номи: АТ «Алоқабанк»  
Бош офис : Шайхонтохур туман, Хувайдо кучаси  
10-уй, 14-хонадон  
МФО : 00401  
ИНН: 307 759 386

Директор

Э.Б.Чориев

Юрист:



« 22 » июнь 2022 йил даги  
№ OG/043-сонли шартномага 1-илова

**Бажариладиган ишларнинг календар  
РЕЖАСИ**

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаши
« <u>Зангиота туманида Урикзор МФЙда Ўзбекистон Шох кучасида пиёдалар йулакларини куришга смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш учун</u> » объекти буйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва Давлат экспертиза бошқармасига топшириш	«22» 06 2022й.	«2» 07 2022й.

«БУЮРТМАЧИ»



Ш.А.Раззоков

«ИШ БАЖАРУВЧИ»



Э.Б.Чориев



2022 йил «22» июнь даги  
№OG/043 -сонли шартномага 2-илова

## Шартнома баҳосининг келишув Б А Ё Н Н О М А С И

Биз қуйида имзо қўувчилар: Бажарувчи, «Зангиота туманида Урикзор МФЙда Узбекистон Шох кучасида пиёдалар йулакларини куришга смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш» объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил «22» июнь даги № OG/043-сонли шартнома баҳосини қўшимча қиймат солиғи билан - 4 000 000 (турт миллион) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БУЮРТМАЧИ»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

Зангиота тумани Ободонлаштириш  
бошқармаси

«OPTIMAL ARCHITECT GROUP» МЧЖ



Ш.А.Раззоков



Э.Б.Чориев

## ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиҳа ишларининг номи: « Зангиота туманида Урикзор МФЙда Узбекистон Шох кучасида пиёдалар йулакларини куришга смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш » объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш.

Буюртмачи:

Бажарувчи: « OPTIMAL ARCHITECT » МЧЖ

Объектнинг номи	Ҳисоблаш	Нархнинг умумий ҳисоби
« Зангиота туманида Урикзор МФЙда Узбекистон Шох кучасида пиёдалар йулакларини куришга смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш »объекта бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва давлат экспертизасидан ўтказишни буюртмачининг топшириғига асосан бажарувчи ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.	Ўзбекистон Республикаси курилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180-сонли буйруғига асосан объектнинг мураккаблик даражаси 2 тоифага киради. Курилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртача ____% ни ташкил этади. Ҳисоблаш учун тахминий ____% қабул қиламиз.	$3\ 478\ 261 * 15\% =$ <b>521739,13</b>
<b>_____ сўм</b> <b>ҚҚСсиз</b>		<b>3 478 261</b>
<b>ҚҚС 15%</b>		<b>521739,13</b>
<b>Жами</b>		<b>4 000 000</b>

Нархи сўз билан: - 4 000 000 ( тўрт миллион) сум ҚҚС билан.


«OPTIMAL ARCHITECT GROUP» МЧЖ

директори:



\_\_\_\_\_ Э.Б.Чориев





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**TOSHKENT VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**ZANGIOTA TUMANI YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**  
111800, Zangiota tumani, Eshonguzar qo'rg'oni, Mustaqillik ko'chasi, 44-uy,  
Tel.: (998 70) 975-33-35, el. pochta: zangiota\_vurmarkaz@adliya.uz

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING**  
**QONUN NORMALARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA**  
**HUQUQIY XULOSA**

1054733013

1. Loyihaning turi:

**Shartnoma.**

2. Loyihaning nomi:

**OG/043-sonli shartnoma (Zangiota tuman obodonlashtirish boshqarmasi hamda "OPTIMAL ARCHITECT GROUP" MChJ o'rtasida tuzilgan O'rikzor MFYda O'zbekiston shox ko'chasida piyodalar yo'laklarini qurishga loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash ishlarini bajarish to'g'risida shartnomasi).**


3. Hujjat ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

**Zangiota tuman obodonlashtirish boshqarmasi.** Loyiha Zangiota tuman yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 20.06.2022-yilda xulosa berish uchun kelib tushdi.

**XULOSA**

Mazkur hujjat loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**  
**bosh yuriskonsulti:**



**I.G'.Quchqorov**



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 102085 на приобретение ЗАНГОТА ТУМАНИДА УРИКЗОР МФЙДА УЗБЕКИСТОН ШОХ КУЧАСИДА ПИЁДАЛАР ЙУЛАКЛАРИНИ КУРИШГА СМЕТА ВА ЭКСПИРТИЗА ХУЖАТЛАРИ ТАЁРЛАШ УЧУН**

Способ проведения электронный

Дата 18.06.2022

Время рассмотрения 18.06.2022 12:03

Конкурсная комиссия Зангиота тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	RAZZAKOV SHAXZOD ABDUSHKUROVICH	бошлик	ободон
<b>Секретарь комиссии</b>	MIRZAYEVA SHOXISTA XAYITBOYEVNA	ИКТИСОДЧИ	ОБОДОН
<b>Член комиссии</b>	ASOMOV AZIZ ASATILLAYEVICH	БУЛИМ БОШЛИГИ	ОБОДОН
<b>Член комиссии</b>	MIRZARAXIMOV JAHONGIR BAHODIROVICH	булим бошлик	ободон
<b>Член комиссии</b>	RAXIMOV KAXRAMON TOJIBOYEVICH	техник	ободон
<b>Член комиссии</b>	TURSUNOV DONIYOR ORTIQBOYEVICH	диспечер	ободон

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.06.2022 года № лота 102085.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по разработке проектно-сметных работ</b>
Подробное описание	ЗАНГОТА ТУМАНИДА УРИКЗОР МФЙДА УЗБЕКИСТОН ШОХ КУЧАСИДА ПИЁДАЛАР ЙУЛАКЛАРИНИ КУРИШГА СМЕТА ВА ЭКСПИРТИЗА ХУЖАТЛАРИ ТАЁРЛАШ УЧУН
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	4 200 000.00
Стартовая сумма	4 200 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси\* 3-шакл

Тип: Бинарное значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ROAD AND CIVIL	19	1	16	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ENGINEERING MCHJ						
ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP	19	1	18	Экспертная		
GEO PROEKT MCHJ	19	1	17	Экспертная		

Критерий №2 VI. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ROAD AND CIVIL ENGINEERING MCHJ	2	1	1	Экспертная		
ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP	2	1	2	Экспертная		
GEO PROEKT MCHJ	2	1	1	Экспертная		

Критерий №3 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 4-шакллар

Тип: Бинарное значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Охириги йилда 100 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. Сўм ва ундан юқори 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп. 7. Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридоги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ROAD AND CIVIL ENGINEERING MCHJ	34	1	21	Экспертная		
ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP	34	1	25	Экспертная		
GEO PROEKT MCHJ	34	1	25	Экспертная		

Критерий №4 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл

Тип: Бинарное значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга муҳандис ва архитектор ходимларни мавжудлиги. 3. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош муҳандисини мавжудлиги. 4. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош архитекторини мавжудлиги. 5. Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчи ходимлар (мутахассислар) мавжудлиги. 6. Ходимларнинг ўртача сони 7 кишидан кам бўлмаган.



Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ROAD AND CIVIL ENGINEERING MCHJ	19	1	13	Экспертная		
OOO OPTIMAL ARCHITECT GROUP	19	1	18	Экспертная		
GEO PROEKT MCHJ	19	1	14	Экспертная		

Критерий №5 IV. Энг яши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати, 5-шакл

Тип: Бинарное значение

Описание: Сметаларни ҳисоблаб чиқишда қўллаш учун дастурий комплекс (ABC4-uz) 1 та Плоттер 1 та Принтер ва нусха кўпайтириш техникаси 2 та ва ундан кўп Ўлчов асбоблари (шагомер, метр) 1 та Автомобиль 1 та

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ROAD AND CIVIL ENGINEERING MCHJ	26	1	16	Экспертная		
OOO OPTIMAL ARCHITECT GROUP	26	1	22	Экспертная		
GEO PROEKT MCHJ	26	1	17	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
OOO OPTIMAL ARCHITECT GROUP	4 200 000.00	4 000 000.00	16.06.2022 18:35:44	28.50
ROAD AND CIVIL ENGINEERING MCHJ	4 200 000.00	2 700 000.00	14.06.2022 19:09:08	
GEO PROEKT MCHJ	4 200 000.00	3 800 000.00	17.06.2022 00:11:06	30.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
OOO OPTIMAL ARCHITECT GROUP	59.5	28.5	88
ROAD AND CIVIL ENGINEERING MCHJ	46.9		46.9
GEO PROEKT MCHJ	51.8	30	81.8

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 102085 от 18.06.2022 года на приобретение ЗАНГОТА ТУМАНИДА УРИКЗОР МФЙДА УЗБЕКИСТОН ШОХ КУЧАСИДА ПИЁДАЛАР ЙУЛАКЛАРИНИ КУРИШГА СМЕТА ВА ЭКСПИРТИЗА ХУЖАТЛАРИ ТАЁРЛАШ УЧУН определила победителем:



ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP  
307759386

и резервный исполнитель: GEO ПРОЕКТ МСНП (207168420)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	RAXIMOV KAXRAMON TOJIBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	TURSUNOV DONIYOR ORTIQBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ASOMOV AZIZ ASATILLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRZARAXIMOV JAHONGIR BAHODIROVICH	Согласен	
Председатель комиссии	RAZZAKOV SHAXZOD ABDUSHKUROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП